ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ МИНБАРИ

УДК 81'373.21: 811.112.2: 811.512.133

НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛИ ТОПОНИМЛАРНИНГ СТРУКТУР ХУСУСИЯТЛАРИ

Санжар Искандарович АНОРҚУЛОВ
Ўқитувчи
Немис тили назарияси ва
амалиёти кафедраси
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада немис ва ўзбек тилларидаги топонимлар структураси қиёсий ўрганилган. Қиёсий таҳлил натижасида топонимлар структурасининг ҳар икки тилда ҳам бир қанча универсал ва дифференциал хусусиятларга эга эканлиги аниқланди. Универсал хусусиятлар тилларнинг структуравий имкониятлари ва топонимларнинг ҳосил бўлиш композит моделлари умумийлиги билан боғлиқ. Дифференциал ўзига хосликлар сирасига ўрганилаётган тиллардан бирида махсус морфологик бирликларнинг ҳамда композит моделлар таркибидаги фарқларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, ўзбек тили топонимларида изофанинг турли типларидан кенг фойдаланилиши кабилар киради.

Калит сўзлар: композит моделлар; дифференциал; структуравий имконият; топонимлар; морфологик бирлик; қиёсий тадқиқ.

ОСОБЕННОСТИ СТРУКТУРЫ ТОПОНИМОВ НЕМЕЦКОГО И УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКОВ

Санжар Искандарович АНОРКУЛОВ
Преподаватель
Кафедра теории и практики немецкого языка
Узбекский государственный университет мировых языков
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

Данная статья посвящена рассмотрению структурных характеристик топонимов в немецком и узбекском языках. В процессе анализа выявлено, что структура топонимов в обоих языках обладает рядом универсальных и дифференциальных признаков. Универсальные признаки обусловлены общностью структурных возможностей языков и композитных моделей образования топонимов. Дифференциальные особенности включают наличие или отсутствие специальных морфологических единиц и различия состава композитных моделей в одном из изучаемых языков; широкое использование различных типов изафета в топонимах узбекского языка.

Ключевые слова: композитные модели; дифференциал; структурная возможность; топонимы; морфологическая единица; сравнительное исследование.

FEATURES OF THE STRUCTURE OF THE TOPONYMS OF GERMAN AND UZBEK LANGUAGES

Sanjar Iskandarovich ANARKULOV
Teacher
Theory of the German Language and Practice Department
Uzbekistan State University of World Languages
Tashkent, Uzbekistan

Abstract

The article deals with comparative analysis of structural characteristics of toponyms in the German and Uzbek languages. The analysis has revealed that the structure of toponyms in both languages has a number of universal and differential features. Universal features are conditioned by the common structural capabilities of the languages and unity of composite models. Differential features include the presence or absence of special morphological units that are used in the formation of toponyms and differences in used composite models in one of the languages; wide use of various types of izafet in the toponyms of the Uzbek language.

Kewwords: composite models; differential; structural possibility; toponyms; morphological unit; comparative study.

Ҳар бир тилнинг топонимик тизими даврлар мобайнида шаклланиб боради. Ушбу вақт давомида топонимлар шаклланишига маданият, тарих, мифология, дин ва бошқа шу каби маданият билан боғлиқ экстралингвистик омиллар таъсир этади. Маълумки, дастлабки топонимлар оддий турдош отлардан фарқ қилмайдиган содда номлар эди. Одамларнинг атроф-муҳитга бўлган таъсири ва атроф-муҳит ҳақидаги тасаввури кенгайиб, бир жойнинг иккинчисидан, бир номнинг бошқасидан, яқиндаги тепаликни узоқдагисидан фарқлаш эҳтиёжи туғила бошлайди. Табиийки, ўз-ўзидан ижтимоий онг ривожлангани сари тушунчалар сони ортиб, географик номлар грамматик ва семантик жиҳатдан мураккаблаша борган.

Ўтмишда топонимлар дастлаб фақат географ ва тарихчилар томонидан ўрганилган. XX асрга келиб эса топонимлар лингвистлар томонидан система сифатида тадқиқ этила бошлади. Шу боис, узоқ йиллардан бери олимлар орасида топонимика фани ва унинг қайси соҳага мансублиги ҳақида жуда кўп мунозарали баҳслар бўлган. Жумладан, В. А. Никонов “Топонимикани тил орқали эмас, тилни топонимика орқали изоҳлаш лозим” (11, 19) деган бўлса, С. Қораев “Географик номлар, яъни топонимлар тил луғат таркибининг бир қисми бўлиб, тил қонуниятларига бўйсунади, сўзни албатта тилшунослик – лингвистика фани ўрганиши керак” ёки “топонимика атоқли отларни ўрганадиган ономастика фанининг бир қисми бўлиб, тилшунослик фанлари қаторига киради” деган

фикрни билдирган (14). Топонимика фани тарихчилар ҳам, географлар ҳам, тилшунослар ҳам ўзининг мутахасислигидан келиб чиқиб ўрганадиган фан ҳисобланади. Бу эса унинг фанлараро характерга эга эканлигидан далолат беради. Шу ўринда Ҳ. Ҳасановнинг фикрини келтириб ўтишни жоиз деб топдик: “Филологлар ҳам, географлар ҳам, тарихчилар ҳам тан олсинки, топонимика бу учала фан чегарасидаги соҳадир, кимки топонимика билан астойдил шуғулланишни истаса, у бир неча фанни ўрганиб олиши зарур, филолог этнографияни, тарихни, табиий ва иқтисодий географияни, тарихчи филологияни, географияни, географ тилни, тарихни ва этнографияни билиши лозим” (12).

Ушбу мақола немис ва ўзбек тилларида топонимларнинг структуравий хусусиятларини қиёсий таҳлил қилишга қаратилган. Немис тили топонимларининг структур жиҳатлари бир қанча олимлар томонидан ўрганилган (3; 1; 4; 5; 9; 13).

Топонимикани қиёсий ўрганиш, асосан, инглиз ва рус тиллари, немис ва рус тиллари, француз ва рус тиллари асосида амалга оширилган. Масалан, рус олими Р. Хисамидинованинг ишида немис ва рус тили асосида топонимлар ва уларнинг дериватлари (13), Л.Кунаккужинанинг тадқиқотида немис ва бошқирд тиллари топонимлари (8). Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аниқлашимизча, немис ва ўзбек тилларида топонимларнинг қиёсий тадқиқи мавжуд эмас. Ваҳоланки, бу тиллар топонимларнинг қиёсий ўрганиши, биринчидан немис ва ўзбек тиллари орасидаги ўхшашликни ёритишга, иккинчидан, топонимика фанининг назарий ва эмпирик базасини бойитишга хизмат қилади.

Немис ва ўзбек тили топонимикасининг структур-семантик жиҳатига бағишланган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, олимлар бу масалага турлича ёндашадилар. Масалан, «Die deutsche Sprache. Kleine Enzyklopädie» тадқиқоти муаллифлари, немис тили топонимларини оддий, ясама қўшимчали ва мураккаб топонимларга бўлганлар (2, 643). Таниқли рус олими Р. З. Мурясов эса, немис тили топонимларни структур жиҳатидан оддий, ясама қўшимчали, мураккаб ясама топонимлар ва таркибий топонимларга ажратган (9, 48). Ўзбек тилида топонимларнинг таснифи икки асосий тоифани кўзда тутади: 1) содда, яъни бир сўздан иборат ва 2) мураккаб, икки ёки ундан ортиқ сўздан иборат топонимлар. Содда топонимлар ҳам ўз навбатида иккита кичик гуруҳ, яъни: а) содда туб, яъни қўшимчасиз (*Жума, Наввот, Мотрид*) ва б) содда ясама, яъни қўшимчали (*Чумчуқли, Бўзчи, Тақачи*) (14; 12).

Немис ва ўзбек тилларидаги лисоний материалнинг таҳлили шуни кўрсатдики, иккала тилда ҳам содда, яни бир сўздан иборат топонимлар мавжуд:

нем.: *Wert, Dahn, Elze, Dresden, Köln, Rhein;* **ўзб.:** *Бухоро, Дўрмон, Қарши, Баҳор, Бўстон, Лангар.*

Шуни таъкидлаш жоизки, немис тилида содда топонимлар фақат бир сўздан иборат номларни ўз ичига олади (Wert, Dahn, Elze, Köln). Уларнинг структурасида махсус бир сўз ясаш воситаси, яъни топонегиз, топоформант ёки махсус ономастик суффикс қўлланилмайди. Ўзбек тилида эса, немис тилидан фарқли уларок, содда қўшимчасиз топонимлар билан бир қаторда содда қўшимчали топонимлар, яъни аффиксация усулида ясалган топонимлар ҳам мавжуд. Бу ўринда, тилшунос-туркологлар (А. А. Камалов ва б.) туркий топонимиянинг ўзига хос хусусиятлари сифатида туркий тилларда махсус топонимик аффикслар мавжуд эмаслигини ва шунинг учун тилда мавжуд бўлган барча аффиксация воситаларидан географик номларни ясашда қўлланилишини таъкидлайдилар. Масалан, ўзбек тилида туб қўшимчалар, қуйидаги сўз ясаш аффиксларини ўз ичига олади: ***-гоҳ*** (*Жанггоҳ, Сайилгоҳ*), ***-зор*** (*Бодомзор, Чилонзор*), ***-дор*** (*Зарбдор*), ***чи*** (*Қазичи, Сангчи, Гиламчи*); ***-ли:*** (*Урикли, Жийдали*), ***-истон*** (Гулистон, Туркистон), ***-лик*** (*Сувлик, Ёшлик, Тинчлик*) ***-ча:*** (*Бибича, Қизилча, Кўкча*), ***-лоқ:*** (*Тошлоқ, Қумлоқ, Утлоқ*), ***-лар*** (*Гадойлар, Араблар, Кулоллар*).

Ўзбек тилидан фарқли равишда немис тилида махсус ономастик қўшимчалар, яъни топонимик суффикслар мавжуд. Булар орасида ***-a*** (*Bucha, Eicha, Erla, Dorna, Haina*), ***-ach*** суффикси ёрдамида дарё номлари ясалади (*Aschach, Steinach, Kirnach, Aurach, Rodach*), ***-en, -ien*** суффикси ёрдамида давлат ва минтақа номлари ясалади (*Italien, Norwegen, Spanien, Sibirien, Thüringen, Asien, Skandinavien, Sachsen, Preußen*), ***-in*** хорижлик эканлигини билдирувчи қўшимча (*Redlin*), ***-itz*** (*Bornitz, Dömitz*), ***-ow*** (*Buchow, Treptow*), ***-au*** (*Döhlau, Luckau, Zwickau*).

Таҳлил натижасида кўришимиз мумкинки, немис тилида содда сўз билан ифодаланган топонимларга фақат туб топонимлар кирса, ўзбек тилида содда топонимлар ўз навбатида икки кичик гуруҳга бўлинади. Унда оддий туб (қўшимчасиз) ва содда қўшимчага эга топонимлар киради.

Мураккаб топонимлар немис тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам кенг тарқалган лингвистик ҳодисадир. Топонимлар икки ёки ундан ортиқ негизлардан ташкил топган мураккаб сўз бўлиб, улар лексик ва грамматик жиҳатдан бир вазифани бажаради. Мураккаб топонимлар асосан топоформантлар ёрдамида шаклланади. Л.Кунаккужинанинг таъкидлашича, немис тилида энг кўп тарқалган топоформантларга қуйидагилар киради: ***-stadt (****Ludwigstadt),* ***-dorf*** *(Dorndorf),* ***-heim*** *(Manheim, Kirchheim, Griesheim****),*** ***-burg*** *(Magdeburg, Dornburg****),*** ***-berg*** *(Bamberg, Arnsberg, Rastenberg),* ***-fels*** *(Rabenfelsen),* ***-fürt (****Ochsenfurt****),*** ***-bach (****Birkenbach, Desselbach****),*** ***-graben (****Aulsbachgraben, Fabrikgraben****),*** ***-brunnen***

(*Marienbrunnen, Märchenbrunnen****), –wasser*** (Wasserburg, Wasserberg), -walde (*Schwarzwalde*) (8).

Ўзбек тилида ҳам мураккаб топонимлар бир қатор топоформантлар асосида ясалади: ***-абад/обод*** (*Юнусобод*); ***-кенд/кент/канд*** (*Тошкент, Самарқанд*); ***-оул*** (*Туркманоул, Қозоқовул*), ***-қўрғон*** (*Каттақўрғон, Оққўрғон*), ***-қум*** (*Қизилқум,Қорақум*), ***-кўл*** (*Тўдакўл, Айдаркўл*), ***-тош*** (Оқтош), ***-қала*** (*Айазқала, Тупроққала*), ***-сарой*** (Оқсарой, Кўксарой), ***-шаҳар*** (Янгишаҳар), ***-тоғ*** (*Қоратоғ, Боботоғ*) ***-чашма*** (Сарчашма), ***-дарё*** (Оқдарё, Қорадарё), ***ариқ***(*Бузариқ, Қизилариқ, Эгриариқ),* ***-янги*** *(Янгийўл, Янгибозор, Янгиер),* ***-қишлоқ*** *(Шўрқишлоқ, Гулқишлоқ),* ***-сув, -су*** *(Оқсув, Чорсу, Қорасув, Шўрсув),* ***-сой*** *(Чуқурсой, Қипчоқсой, Чимёнсой),* ***-бўлоқ*** *(Мингбўлоқ, Фотимабўлоқ),****-тепа*** *(Оқтепа, Ўратепа, Туйтепа).*

Юқоридаги мисоллар таҳлилидан немис ва ўзбек тилларида бир хил мотивация ва маънога эга топоформантлар мавжудлигини кўриш мумкин: **нем.:** -berg, -burg, -stadt, -see, -felsen; **ўзб.:** *-тоғ, -қала, - шаҳар, - кўл, -чашма, -сув*. Масалан, *Bamberg*, *Magdeburg*, *Altstadt, Bodensee, Rabenfelsen Қоратоғ, Тўдакўл, Сарчашма* ва бошқалар. Бу объектларнинг географик жойлашув хусусиятлари ва ижтимоий аҳамияти билан боғлиқ. Масалан: *тоғ* компонентли топоним унинг географик жойлашувидан дарак беради, *шаҳар* компонентли топонимларда эса бу георафик объектнинг майдони, ижтимоий аҳамияти инобатга олинади.

А. А. Камалов топонегизларни қўшиш натижасида пайдо бўлувчи муносабатларнинг характеридан келиб чиққан холда, мураккаб топонимларни жуфт ва аниқловчи топонимларга ажратади. Жуфт топонимларнинг битишув даражаси ва структураси ҳар хил бўлиши мумкин: мураккаб, содда ва аралаш: Оқтепа – Хонимқўрғон, Боғишамол – Амир Темур қишлоғи.

Аниқловчи топонимлар орасида А. А. Камалов қўшма, аралаш ва кенгайтирилган топонимларни ажратади. Қўшилган топонимлар структура жиҳатидан туркий тиллардаги изофанинг I типига тўғри келади, (яъни, аниқловчи аниқланмишдан олдин бош келишикда туради), масалан, *Қашқадарё, Боботоғ, Тўрақўрғон* ва бошқалар. Қўшма топонимларга аниқловчи сифат, сон, равиш ва феъл билан ифодаланган топонимлар ҳам киради: масалан, *Оқтепа, Бешёғоч, Мингбўлоқ, Қизилтепа)* (6).

Бизнинг таҳлилимиз шуни кўрсатадики, немис ва ўзбек тилларида, мураккаб топонимлар бир неча модел бўйича ясалиши мумкин:

“от + от”: **нем.:** *Heroldsberg, Eisenberg, Heidelberg, Wolfsburg;* **ўзб.:***Кетмонтепа, Мойбулоқ, Хонтахти;*

“сифат + от”: **нем.:** *Schönwalde, Altenberg, Blaustein*; **ўзб.:** *Қизилтепа, Қорадарё, Оқсув*.

Таҳлилимиз натижасида, биз ўзбек тилида немис тилига қараганда қўйидаги моделлар кўпроқ тарқалганлигини аниқладик: «сон + от» *Мингбўлоқ, Олтиариқ, Бешкапа, Учтепа, Мингчинор, Учқўрғон, Беш* қараганда жуда кам учрайди: *Zweibrücken, Brandenburg, Dreieich*

Ўзбек тилида немис тилидан фарқли равишда қўйидаги моделлар ҳам мавжуд:

сифатдош + от: *Янгибозор, Янгийўл, Эскианхор, Шўрқудуқ.*

от + кесим: *Отчопар, Чўлқувар, Жаркўчган.*

Бундан ташқари, ўзбек тилида форс изофаси асосида ясалган топонимлар ҳам мавжуд: *Боғишамол, Боғибаланд, Чўлибўстон.*

Таркибий топонимларнинг мураккаб топонимлардан фарқи шундаки, уларда охирги компонент сифатида қўлланувчи объектни номиналлаштирувчи терминлар, 3-шахс аффикси билан бирга қўлланилади: *Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Амир Темур жамоа хўжалиги, Зарафшон фермерлар уюшмаси.*

Немис тили тизимида таркибий топонимлар сирасига таркибида бир ёки иккита аниқловчи ва битта таянч сўз иштирок этган сўз мажмуаларидан иборат бўлган топонимлар киради. Таркибий топонимларнинг биринчи компоненти аниқловчилар иккинчи компонентлари эса таянч (ҳоким) сўзлардир. Улар ўртасидаги алоқа ядро ва йўлдош муносабати кабидир: айрим функционал услубларда аниқловчининг мавжуд бўлмаслиги топонимнинг амал қилишига таъсир кўрсатмайди, аммо таянч сўзнинг тушириб қолдирилиши топонимни тил бирлиги мақомидан маҳрум қилади (7, 15).

Таркибий топонимлар турли топонимик синфларни қамраб олади, яъни қуйидагилар топоним терминлар бўла олади: ойконимлар, потамонимлар, оронимлар ва хоронимлар. В.В. Кузиков таркибий топонимлар орасидан қуйидагиларни ажратади: а) препозитив аниқловчили номлар, асосан потамонимлар, қиёслаймиз: пот. *Kleine Roth,* пот. *Epplinger Back,* б) постпозитив аниқловчили номлар – ойконимлар (*Frankfurt am Main)* иккита аниқловчили номлар, яъни аттрактив жойлар номи бўлган ойконимлар, масалан: ойк. *Bad Neustadt an der Saale. Қолаверса, препозитив аниқловчили номлар аниқловчининг шаклига боғлиқ равишда қуйидагилар ажратилади:* а) аниқловчиси турдош от шаклига эга бўлган топонимлар: масалан, пот.*Alte Föritz',*хор.*Fränkische Schweiz;* ор. *Fränkische Alb;* б) аниқловчиси турланмайдиган сифат шаклига эга бўлган номлар (бунга фақат потамонимлар киради, қиёслаймиз: пот. *Endseer Bach* (Эндзее ҳудуди ёнидан оқиб ўтувчи сой). Постпозитив аниқловчили нолар ҳам икки гуруҳга бўлинади: а) ***an*** – предлогли

эга гуруҳидан таркиб топган номлар, бу каби номлар потамоним воситасида аҳоли пункти номини локаллаштиради, қиёслаймиз: *Hohenburg an der Eger*; б) ***in*** предлогли кесим гуруҳини ўз ичига олган бирликлар, улар оронимлар ва хоронимлар воситасида қишлоқларни локаллаштиради, қиёслаймиз: ойк. *Hain im Spessart* (7, 15).

Немис тили топонимикасидаги таркибий немис топонимларига предлогларнинг турли-туманлиги хосдир. Булар қўйидаги типдаги предлоглардир: ***an, auf, bei, in, vor***ва ҳоказо (масалан,*Neuhausen auf den Fildern, Hohenberg an der Eger, Kirchheim beiMünchen* ва бошқ.) Ушбу предлоглар “от+от” тоифасидаги топонимларни ҳосил қилади (Hohenberg –от+ an- предлог+ der- артикль+ Eger-от).

Немис ва ўзбек топонимларининг структуравий хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш натижасида немис ва ўзбек тилларидаги топонимлар структураси умумий ва фарқли жиҳатларга эга эканлигини аниқладик.

Универсаллар хусусиятларга қуйидагилар киради: 1) ҳар икки тил таркибида содда, ясама, қўшма ва бирикмали географик тоифаларнинг мавжудлиги; 2) бирикмали қўшма географик номлар таркибида немис тилида -Stadt, -dorf, -haus, -heim, - feld, -stein, -bürg, -graben, -brunnen, -wasser ва ўзбек тилида -тоғ, -дарё, -сой, -тепа, -қўрғон ва бошқа топоформантларнинг қўлланилиши; 3) ҳар икки тил структурасида бир неча композит ҳосилалар моделларининг амал қилиши. Мазкур моделлар ўзида сўз туркумлари боғланишидан иборат бўлган муайян система (тизим)ни намоён этади: “от + от”, “сифат + от”, ва уларнинг “от + от + от” шаклидаги кўринишлари, шунингдек “сон + от”, “феъл + от” моделлари.

Дифференциал белгиларга қуйидагилар киради: 1) ўзбекча содда отлар (номлар) таркибида туб ва ясама отларнинг, немис тили топонимлари орасида эса фақат туб отларнинг мавжудлиги; 2) немис топонимияси тизимида махсус ономастик суффикс ва сўз ясовчи элементларнинг мавжудлиги ва ўзбек тилида бу каби компонентларнинг мавжуд эмаслиги; 3) ўзбек тилида “равиш+от”, “сифатдош+от”, “от+феъл” модели бўйича тузилган композит географик номларнинг мавжудлиги ва айни вақтда бундай топонимларнинг немис тилида мавжуд эмаслиги; 4) бирикмали топонимларнинг ҳосил бўлишида бир қатор немисча предлогларнинг амал қилиши (an, auf, bei, in ва бошқалар).

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, немис ва ўзбек тилларидаги топонимлар структураси ҳам универсал, ҳам дифференциал хусусиятларга эга. Универсал хусусиятлар тилларнинг структуравий имкониятлари ва топонимларнинг ҳосил бўлиш композит моделларининг умумийлиги билан

боғлиқ. Дифференциал ўзига хосликлар сирасига ўрганилаётган тиллардан бирида махсус морфологик бирликларнинг ҳамда композит моделлар таркибида фарқларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги киради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Bach A. Deutsche Namenkunde II. Die deutschen Ortsnamen: in 2 Bd. [Text] / A. Bach. – Heidelberg, 1953.
2. Die deutsche Sprache. Kleine Enzyklopädie. Bd. 2. –Leipzig, 1970, –1234 S.
3. Dieckmann, J. Die Namen der selbständigen Staaten und ihre Adjektive und Bewohnersubstantive. – Sprachpflege, 1971, S. 7.
4. Eichler, E. Die Ortsnamen des Kreises Leipzig. – Halle (Saale): Nienmeyer, 1960. –173 S.
5. Fischer, R. und andere. Namen der deutschen Städte. – Berlin: Akademie – Verlag, 1963. – 177 S.
6. Камалов А.А. Башкирская топонимия. – Уфа: Башкирское издательство «Китап», 1994. – 302 с.
7. Кузиков В.В. Топонимика немецкого языка: Учебное пособие. – Уфа: Издательство Башкирского университета, 1985, – 80с.
8. Кунаккужина Л. М. Топонимы в языковой системе (на материале немецкого и башкирского языков) : дис. … канд. филол. наук / Л. М. Кунаккужина. – Уфа, 2003. – 168 с.
9. Мурясов Р.З. Имя собственное в современном немецком языке. – Уфа: Башгосуниверситет, 1983, – 90 с.
10. Мурясов Р.З. Избранные труды по германскому и сопоставительному языкознанию. – Уфа, 1998, – 288 с.
11. Никонов, В. А. Этнонимы. – М.: Наука, 1970. – 269 с.
12. Хасанов Х. Тайны географических названий. – Ташкент: Узбекистан, 1985. – 120 с.
13. Хисаметдинова, Р. Ф. Топонимы и их дериваты в языковой системе (на материале немецкого и русского языков. Дис. ... канд. филол. наук. – Уфа, 2000. – 126 с.
14. Qorayev S. Toponimika. – Toshkent: O’zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2006. – 228 b.

REFERENCES

1. Bach A. Deutsche Namenkunde II. Die deutschen Ortsnamen, Heidelberg, 1953.
2. Die deutsche Sprache. Kleine Enzyklopädie. Bd. 2, Leipzig, 1970, 1234 p.
3. Dieckmann, J. Die Namen der selbständigen Staaten und ihre Adjektive und Bewohnersubstantive, Sprachpflege, 1971, p. 7.
4. Eichler, E. Die Ortsnamen des Kreises Leipzig. – Halle (Saale): Nienmeyer, 1960, 173 p.
5. Fischer, R. und andere. Namen der deutschen Städte, Berlin: Akademie – Verlag, 1963, 177 p.
6. Kamalov A.A. *Bashkirskaja toponimiya* (Bashkir toponymy). – Ufa, 1994, 302 p.
7. Kuzikov V.V. *Toponimika nemeckogo jazyka* (German toponymics), Ufa: Izdatel'stvo Bashkirskogo universiteta, 1985, 80 p.
8. Kunakkuzhina L. M. *Toponimy v jazykovoj sisteme (na materiale nemeckogo i bashkirskogo jazykov)* (Toponyms in the language system (on the material of the German and Bashkir languages)), candidate’s thesis, Ufa, 2003, 168 p.
9. Murjasov R.Z. *Imja sobstvennoe v sovremennom nemeckom jazyke* (Proper name in modern German), Ufa: Bashgosuniversitet, 1983, 90 p.

10. Murjasov R.Z. *Izbrannye trudy po germanskomu i sopostavitel'nomu jazykoznaniju* (Selected works on Germanic and comparative linguistic knowledge), Ufa, 1998, 288 p.
11. Nikonov, V. A. *Jetnonimy* (Ethnonyms), Moskow: Nauka, 1970, 269 p.
12. Hasanov H. *Tajny geograficheskih nazvanij* (Secrets of geographical names), Tashkent: Uzbekistan, 1985. 120 p.
13. Hisametdinova, R. F. *Toponimy i ih derivaty v jazykovoj sisteme (na materiale nemeckogo i russkogo jazykov)* (Toponyms and their derivatives in the language system (on the material of the German and Russian languages), candidate’s thesis, Ufa, 2000, 126 p.
14. Qorayev S. Toponimika, Tashkent, 2006, 228 p.